



O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

• 2015-yil, 10-sentabr. Payshanba • 107 (32.010)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Ижро масъулиятини кучайтириш зарур

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси Давлат бюджетининг 2015 йил биринчи ярим йилликдаги ижросини кўриб чиқди

Давлат бюджети мамлакатнинг энг муҳим молиявий ҳужжати ҳисобланади. Аҳолининг турмуш фаровонлиги ортиб боришида бюджет даромадлари тўлиқ шаклланиши, харажатлари тўғрй йўналтирилиши долзарб аҳамиятга эга.

Шу боис мамлакатимизда давлат бюджетининг ҳар томонлама барқарорлигини таъминлаш, ижро маданияти ва масъулиятини ошириш масаласига жиддий эътибор қаратиб келинади. Қонунчиликка биноан, ҳар чоракда ва йил охирида Давлат бюд-

чиқишда ижтимоий соҳани ривожлантириш, яъни таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини мақсадли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар ҳамда бошқа биринчи даражали тўловларни ўз вақтида молиялаштириш, Давлат бюджетининг газна ижроси самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди, — дейди Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси, ЎзХДП фракцияси аъзоси Ёқуб Умаров. — Аҳамиятли томони, иқтисо-



Санжар ШОҲИДАНОВ олинган сурат.

жети ижроси парламентда муҳокама этилиб, ҳулосалар чиқарилади, тегишли таклифлар берилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида шу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Депутатлар, мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2015 йил биринчи ярим йилликдаги ижроси якунлари тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқишди.

Йиғилишда, аввало, жаҳонда ҳали-бери давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз қўллаб-қувватлашда бюджет тақчиллигини келтириб чиқараётган бир пайтда юртимизда иқтисодиётнинг юқори барқарор суръатларда ўсиши ва макроиқтисодий мувозанат таъминланаётгани таъкидланди.

Дастлаб Давлат бюджетининг 2015 йил биринчи ярим йилликдаги ижроси бўйича Молия вазирлиги ахбороти тингланди. Кайд этилишича, 2015 йилнинг 6 ойи давомида макроиқтисодий барқарорлик ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришилган. Жумладан, ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатларини молиялаштириш учун Давлат бюджети умумий харажатларининг 59,2 фоизи йўналтирилган.

Шунингдек, парламент томонидан тасдиқланган 2015 йилда Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига мувофиқ равишда 441,8 мингдан ортиқ фуқаролар бандлиги таъминланган. Уларнинг 62,2 фоизи қишлоқ жойларига тўғрй келади.

— Қўмитамиз Давлат бюджети ижросини кўриб

диётда биринчи ярим йилликда эришилган натижалар барқарор ривожланишни таъминлади, аҳоли бандлиги ва даромадларининг ўсишига сезиларли таъсир кўрсатди. Давлат бюджети ҳисобот даврида 0,2 фоиз профицит билан ижро этилган. Бу ижтимоий соҳани кафолатли тарзда молиялаштиришда муҳим ўрин тутди.

Қўмита йиғилишида кун тартибидagi масала юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳам ўз йўналиши бўйича ахборот бериб ўтди. Таъкидлашчи, ҳисобот даврида соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришга Давлат бюджетидан 2299,3 миллиард сўм маблағ ажратилган. Бу кўрсаткич 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 13,3 фоизга кўпдир.

Шунингдек, йиғилишда қўмита аъзолари томонидан ҳисобот даврида айрим бюджет муассасаларида маблағларнинг мақсадсиз сарфланишига, уларнинг ноқонуний ишлатилиши билан боғлиқ молиявий ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилгани алоҳида таъкидланди. Ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги комиссиялар томонидан оила даромадини ҳисоблашда муайян камчиликлар кузатилган.

Депутатлар атрофида таҳлиллардан сўнг Давлат бюджети ижросида мутасадди вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар масъулиятини янада ошириш, Бюджет кодекс талаблари бажарилиши бўйича назоратни янада кучайтириш ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари ва тавсияларини билдиришди.

Кўриб чиқилган масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Лазиза ШОМИЛОВА

ЎзХДП ХОРАЗМ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ: ТАЖРИБА, ТАҲЛИЛ, МУЛОҲАЗА

Куни кеча халқимиз мамлакатимиз Мустақиллигининг 24 йиллик тантаналарини катта қувонч билан нишонлади. Давлатимиз раҳбари байрамга бағишланган тантанали маросимда нутқ сўзлади. Юртимиз эришадиган улкан ютуқлар, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қаратиладиган ислохотлар ва уларнинг самараси ҳақида фахр билан гапирди.



СИЁСИЙ ПАРТИЯГА БИЛДИРИЛГАН ИШОНЧ

унинг етакчилари ва депутатлари зиммасига катта масъулият юклайди

Жумладан, Президентимиз «Биз қўлга киритган ўсиш суръатлари, эришган марралар ва уларга олиб келган сабаблар ҳақида албатта кўп гапиришимиз мумкин. Лекин бу ҳақда сўз юритганда, бундай улкан ютуқларимизнинг энг муҳим омили ва мезони борки, у ҳам бўлса, замон ўзгариши билан халқимиз, одамларимизнинг дунёқараши, онгу тафаккури,

ҳуқуқий маданияти, сиёсий фаоллиги, фуқаролик масъулияти ва бурчи юксалиб бораётганида намоён бўлмоқда», дея алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ҳақиқатан ҳам, истиқлол туфайли турмушимизга мазмун кирди, одамларнинг дунёқараши, онгу тафаккури, қўйинги, ҳаётга муносабати ўзгарди, юксалди. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳаларда олиб бориладиган

ислохотлар самараси бугун ҳар биримизнинг ҳаётимизда ўз ифодасини топтоқда.

Таъкидлаш жоизки, Хоразм вилоятида қўлга киритилган ютуқларга 31536 нафар партиядошимиз ҳам муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқда. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги 118 нафар депутат партия Сайловолди дастури ва Ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш,

электорат манфаатларига дахлдор масалаларни аниқлаш ва ечимини топиш юзасидан муқобил таклифларини илғари суриб, уларни амалга оширишга эришмоқда. Бу каби амалий саъй-ҳаракатлар ва ташаббуслар ҳақида янада тўлиқроқ маълумот олиш мақсадида партия фаолларини суҳбатга тортдик:

► Давоми 2-бетда.

БУХОРО ВИЛОЯТИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲЛАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЖОРИЙ ЙИЛ ЯРМИДА 5 МАСАЛА ДОИМИЙ КОМИССИЯГА, 3 МАСАЛА ШАҲАР ВА ТУМАН КЕНГАШЛАРИ СЕССИЯЛАРИГА КИРИТИЛДИ.

ШУ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА ЎзХДП ГУРУҲЛАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН 14 МАСАЛА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР СЕССИЯЛАРИДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.

«ЎзХДПнинг энг фаол аёли — 2015»

кўрик-танловининг туман босқичи якунланмоқда

Сергели туманида «ЎзХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танловининг дастлабки босқичи ўтказилди.

Унда иштирокчилар 3 шарт бўйича беллашди. Танлов якунига кўра, Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи тарих-ҳуқуқ фани ўқитувчиси Сайёра Саидова ғолиб деб топилди ва шаҳар босқичига йўлланма олди.

— Танлов қизиқarli ва мурасасиз ўтди, — дейди у. — Ҳар бир иштирокчи пухта тайёргарлик билан келганини савол-жавоблар, қонуналар шарҳи ҳамда улар тақдим этган лойиҳаларда яққол кўринди. Мен «Хотин-қизлар бандлигини таъминлашнинг энг самарали йўли» мавзусидаги лойиҳада туманда кутубхоналар ташкил этиш масаласини кўтардим. Шу орқали вақтинча ишсиз аёлларнинг бандлигини таъминлаш, маънавий-маърифий ишларни янада ошириш мумкин.

Танловнинг Шайхонтоҳур туман босқичи баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди.

Қатнашчиларнинг чиқишларини ЎзХДП Марказий Кенгаши «Фаол аёллар» қаноти етакчилигида иборат ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди.

Танлов иштирокчилари партия Сайловолди дастури ҳамда Ҳаракат дастури билан боғлиқ саволларга аниқ жавоб беришди. «Хотин-қизлар бандлигини таъминлашнинг энг самарали йўли» шартда ҳаётий лойиҳалар тақдим этилди.

Натижаларга кўра, Шоира Тошмуҳаммедова учинчи, Хулқар Жўраева иккинчи, Матлуба Усмонова биринчи ўринни эгаллади.

Ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

Гулчеҳра АЗИЗОВА, Сирожиiddин ШОНАЗАРОВ.

Бир марталик вақтинча иш билан банд бўлган шахслар меҳнат фаолиятининг қонуний асосларини такомиллаштириш, уларнинг пенсия таъминоти ва ижтимоий суғуртаси билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш лозим.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастуридан.

«ЁШ СИЁСАТЧИ — 2015»

Танлов ҳақида фикрлар, ҳулосалар

Аввал хабар қилинганидек, «Ёш сиёсатчи — 2015» кўрик-танловининг якуний — республика босқичи низоҳасига етди. Ушбу танлов иштирокчилар, уларни қўллаб-қувватловчилар, ЎзХДПга хайрихоҳ кишиларда катта таассурот қолдирди. Сиёсий жараёнларга қизиқувчи, келажакда депутат бўлман, деган ёшлар сафи янада кенгайди.

Сардор АЗИМОВ, «Истиқбол» ёшлар қаноти Сурхондарё вилоят бўлими фаоли, «Ёш сиёсатчи — 2014» кўрик-танлови республика босқичи ғолиби:

— Ўтган йили танлов ғолиблигини қўлга киритгандим. Бу гал томошабин сифатида иштирок этсам-да, ғолибларнинг, умуман, иштирокчи ёшларнинг ҳаяжони, қувончи, завқ-шавқини ҳис қилиб турдим. Таъкидлаш керакки, танлов шартлари йилдан-йилга такомиллашиб, қамров доираси ҳам кенгайиб борапти. Уни ўтказишдан мақсад фақат ғолиб ва совриндорларни аниқлаш эмас, балки ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга қизиқишини рағбатлантириш, барча ҳудудлардаги ёш аъзолар ўртасида партияимизнинг мақсад-вазифаларини амалга ошириш борасида фикр ва тажриба алмашишдан иборат. Иштирокчиларнинг фаоллиги ва ўзаро фикр алмашишлар бунй яна бир бор исботлади, деб ҳисоблайман.

Шоҳиста НАБИЕВА, ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси ўринбосари:

— Танлов бошқа ҳудудлардаги каби бизнинг вилоятда ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Қўллаб ёшларда партияга, унинг дастурий мақсадларига қизиқиш уйғонди. Ийигит-қизларни мамлакат тараққиёти, юрт тинчлиги йўлида янада жипслаштирди. Шунингдек, танлов ташкил этилиши натижасида «Ёш тарғиботчилар» гуруҳи шакллантирилди. Партия дастурий ғоялари, мақсадларини ёшлар орасида кенг тарғиб қилишда танловнинг аҳамияти катта бўлапти. Нафақат иштирокчилар, балки уларни қўллаб-қувватлашга келган ёшлар танлов бошланишидан аввал Тошкент шаҳридаги бунёдкорлик ишлари билан танилишди. Улар вилоятларга қайтган, ўз таассуротларини тенгдошларига гапириб беришди, мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар, янгиланишлар ҳақида фикрлашди. Ёшларнинг қалбида юртга садоқат, Ватанга муҳаббат туйғуларини мустаҳкамлашда, дунёқараши ва тасаввурини бойитишда бундай суҳбатларнинг ўрни, аҳамияти юқори бўлади, деб уйлайман.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

«ҲЕЧ ҚАЧОН БЎШ КЕЛМАНГ, АЗИЗ БОЛАЛАРИМ, ЭРТАНГИ КУН — КЕЛАЖАК СИЗНИКИ»



Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бўйича парламент эшитувига қандай тайёргарлик кўриломоқда?

■ **ЎЗХДП ХОРАЗМ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ: ТАЖРИБА, ТАҲЛИЛ, МУЛОҲАЗА**

Сиёсий партияга билдирилган ишонч

унинг етакчилари ва депутатлари зиммасига катта масъулият юклайди



Раимберган САБУРОВ,
ЎЗХДП Хоразм вилоят
кенгаши раиси, халқ
депутатлари вилоят
Кенгашидаги партия гуруҳи
раҳбари:

— Хоразм вилояти республиканинг энг чекка ҳудудларидан бири ҳисобланади. Мустақилликкача вилоят асосан аграр ишлаб чиқаришга мослаштирилган эди. Истиқлолнинг илк давридан бошлаб ҳудуднинг саноат салоҳиятини ошириш мақсадида бир қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилди.

Айниқса, Юртбошимизнинг вилоятнинг саноат салоҳиятини ошириш, Урганч шаҳрини қайта қуриш, вилоят аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш, туризмни ривожлантириш бора-бора муҳим қарорлардан кейин вилоятда қисқа муддатда

жуда кенг қўламдаги қурилиш, ободончилик ишлари амалга оширилди.

Бир мисол. Истиқлолгача вилоятда етиштирилган пахта хомашёсининг атиги 1 фоизи шу ҳудуддаги саноат корхоналарида қайта ишланган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 35 фоиздан ошди. 2019 йилга бориб вилоятда етиштирилладиган пахтанинг деярли учдан икки қисми ўзимизда қайта ишланиб, хорижга тайёр маҳсулот сифатида экспорт қилиниши режалаштирилган.

Бу эса минглаб янги иш ўринлари яратилишига имкон беради, одамларнинг турмуш

даражаси ўсиши, моддий манфаатдорлик юксалишига ҳам хизмат қилади.

Вилоятимиз тараққиёти билан боғлиқ қарорларнинг ижроси, маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши жараёнида депутатлар фаоллик, талабчанлик кўрсатиши зарур. Айниқса, бу жараёнда маҳаллий Кенгашлардаги кўп сонли депутатларимиз, партия-миз фаоллари доимо олдинда бориши керак.

Ҳаётга табиқ қилинаётган лойиҳалар қай даражада электратимиз манфаатларига мос келади, ўз муддатида ишга тушириляптими, янгидан иш бошлаган корхоналарда ишчи-хизматчилар учун қандай шарт-шароитлар яратиб берилган? Бу масалаларни депутатларимиз ҳар доим назоратга олишлари, қай бир ўринда муаммо юзага келган бўлса, унинг ечимини топиш учун маҳаллий Кенгашлар сессияларига олиб чиқиши, ўзининг аниқ тақлифларига эга бўлиши керак.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Масалани сессия кун тартибига олиб чиқиш, тегишли қарор қабул қилинишига эришиш одамларни ўйлантираётган муаммо ҳал бўлди, иш битди, дегани эмас. Қабул қилинган қарор қандай ижро қилинапти, унинг таъсир кучи энг чекка ҳудудларга ҳам етиб бораётими? Депутатлар доим шу ҳақда ўйлаб, ҳаракат қилиши зарур.

Ҳаракат дастури доирасида йилнинг ўтган даврида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиямиз гуруҳлари томонидан жами етти масала партия гуруҳларида, тўрт масала доимий комиссияларда ва бир масала сессияда муҳокама қилинди. Тан олиш керак, ҳозирда бу рақамлар бизни қониқтирмайди. Негаки, имкониятларимиз кенг. Талаб даражасида фаолият юритмаётган туман кенгашлари, партия гуруҳлари фаолиятини кучайтириш чораларини кўрмоқдамиз.



Сабуръз ИШЧАНОВ,
ЎЗХДП Хоразм вилоят
кенгаши раиси ўринбосари:

— Тажрибадан маълумки, бошланғич ташкилотлар қанчалик фаол бўлса, сиёсий партиянинг жамият ҳаётидаги таъсир кучи шунча юқори бўлади. Шунинг учун ЎЗХДП тизимида ҳам бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борада вилоятимизда қатор ишлар амалга оширилган, муайян тажриба тўпланган.

Айни кунда вилоятимизда партиямизнинг 719 бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Қўйи ташкилотлар ишини янгилаш ташкил этиш, ҳудудий партия ташкилотлари ва депутатларнинг қўйи бўғин билан ишлашга мурожаат қилиш, етакчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий салоҳиятини юк-

салтиришга эътибор қаратяпмиз. Масалан, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида ўқувлар, эркин мулоқотларни кўпроқ ўтказиш, аъзоларнинг фикрларини тинглаш ҳамда муҳокама этишга кенг ўрин берилляпти.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партиямиз гуруҳлари аъзолари ҳамда бошланғич ташкилотлар етакчилари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш кун тартибиди. Ушбу вазифа этиб белгиланган. Хусусан, ҳар ойда ташкил этилаётган «**Бошланғич партия ташкилотлари кунини**»да депутатлар билан биргаликда бошланғич ташкилотларга бориляпти, улар фаолияти, муаммолари ўрганиляпти, тақлиф-

лар эшитилмоқда. Бу тақлифлар депутатларимиз томонидан чуқур таҳлил этилади, электрот манфаати билан боғлиқ масалалар доимий комиссия ва сессиялар муҳокамасига олиб чиқилишига асос бўлади.

Шунинг учун бошланғич ташкилотлардан кўпроқ тақлиф олишга ҳаракат қилияпмиз. Улар аҳолини, жумладан, ёшларни ўйлантираётган масалаларни яқиндан билади, ҳаётий, асосли тақлифлар бера олади.

Партия фаолиятини жонлантириш, аввало, қўйи бўғин фаолиятини оширишдан бошланиши кўп тақдорланади. **Хўш, қачон бошланғич ташкилотлар ташаббускор бўлади? Биринчи навбатда, бошланғич ташкилотларга ҳаракатчан, билимдон кишилар етакчи этиб сайланса.** Айтайлик, турли тадбирларда, кундалик ҳаётда фуқаролар етакчиға мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ислохотлар, сиёсий партиялар фоя ва мақсадларини ҳақида савол беради. Етакчининг сиёсий-ҳуқуқий билими юқори бўлсагина, уларга жавоб бера олади, одамларни ўз ортидан эргаштиради.



Озода ҚУЛИМОВА,
ЎЗХДП «Фаол аёллар» қаноти
Хоразм вилоят
кенгаши етакчиси:

— Бугун хоразмлик хотин-қизларнинг 14153 нафардан ортигини партиямиз аъзолари ташкил этади. Қувонарлиси, йилдан-йилга бизга хайрихоҳ бўлган аёллар сафи кенгайиб бораётти. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 400 нафарга яқин хотин-қиз сафимизга қўшилди. Бу зиммамизга катта масъулият юклайди...



Нодира ОДАМБОЕВА,
ЎЗХДП Хоразм вилоят
кенгаши бўлим мудири:

— Партия жамиятда ўз обрўсини мустаҳкамлаш, мавқеини ошириш учун, аввало, сайловчилар, электрот рақибларини ўйлантириб келаётган масалалардан хабардор бўлиши, ке-

қабулхоналари имкониятларидан унумли фойдаланиш яхши самара беради, албатта.

Маълумки, Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти йилдан-йилга такомилла-

туман ва шаҳар кенгашлари қошидаги қабулхоналарга 166 мурожаат бўлди. Шундан 72 фоиз халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларимиз аъзолари, ҳамкор ташкилотлар кўмағида ижобий ҳал этилди. Қолганларига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Жумладан, шу йил 3 февраль кунини ЎЗХДП Хазорасп туман кенгаши қошидаги Жамоатчилик қабулхонасига тумандаги «Узукка қош» маҳалласидан бир гуруҳ фуқаролар ичимлик суви таъминотидаги узил-пириллар тўғрисида мурожаат қилишди. Мурожаат асосида Туямайин-Урганч МСҚБнинг Хазорасп туман бўлими раҳбари М.Раҳимов депутатлик сўрови юборилди. Қисқа муддатда ичимлик суви таъминотидаги камчиликларга барҳам берилди.

Шуни ҳам айтиш керакки, аҳоли, электрот рақибларига қўлайлик яратиш мақсадида жойларда кўча Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти ҳам изчил йўлга қўйилган. Вилотнинг Гурлан, Богот, Хива туманлари ва Урганч шаҳрида Жамоатчилик қабулхоналари яхши ишламоқда.

Аммо Шовот, Янгйбозор туман партия кенгашларидаги Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти кўнгилдагидек эмас. Яқинда бу масалани атрофлича таҳлил қилиб, иш самарадорлигини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

«Фаол аёллар» қаноти фаолиятини кучайтириш учун:

Бугун қишлоқ аёли, қишлоқда ўсаётган қизларнинг қандай муаммоси бор, уларнинг орзу-ҳаваслари, ниятлари, қизиқишлари қандай? Ана шу саволларга жавоб топишга интилишимиз, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз зарур. Қанчадан-қанча истеъдодли, қўлида хунари бор, ташаббус кўрсатишга иштиёқи баланд, ҳавасманд қизларимиз оз эмас. Биз уларни аниқлашимиз, қўллашимиз, рағбатлантиришимиз керак.

Хотин-қизлар фаоллигини ошириш, ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш, меҳнат қилиши учун уларга муносиб шароит яратиш ЎЗХДП Сайловолди ва Ҳаракат дастурида устувор вазифа этиб белгиланган. Шундан келиб чиқиб, вилоятимизда қанотимиз ташаббуси билан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, иқтисодий-ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш, уларни оилавий тадбиркорлик ва касаначиликка жалб этиш ҳамда ижтимоий-маиший шароитларини янада яхшилаш мақсадида қатор тадбирлар ташкил этилди, депутатлар ёрдамида ташаббуслар билан чиқилди.

Хусусан, «Аёллар бандлиги — обод турмуш гарови», «Ижтимоий ҳимоядан — ижтимоий фаоллик сари» лойиҳалари ҳамда «Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш», «Қонунлар тарғиботи» ойлари доирасида қўллаб амалий тадбирлар ўтказилди. Биз мазкур тадбирларни нафақат марказда, балки вилоятимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам ўтказишга ҳаракат қилдик.

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.



Камолбек ЖУМАНИЁЗОВ,
ЎЗХДП «Истиқбол» ёшлар
қаноти Хоразм вилоят бўлими
етакчиси:

— Вилоятимизда партия-мизнинг 30 мингдан ортиқ аъзоси бор, уларнинг 8 минга яқинини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини, ижтимоий фаоллигини ошириш, шунингдек, йигит-қизларнинг ижтимоий лойиҳалари ҳамда ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган турли тад-

бирлар ўтказилиб келинмоқда. Булар эса партиямиз сафида ёшлар сони янада кўпайишига хизмат қилмоқда. Энг муҳими, уларнинг аксарияти ўз билими ва истеъдоди, ташаббускорлиги ва фаоллиги билан тенгдошларига намуна бўлаётган истиқболли порлоқ йигит-қизлардир.

Масалан, «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг бу йилги босқичларида қатнашиш истак-ини билдириб, 1000 нафардан

зиёд йигит-қиз мурожаат қилди. 11 нафар ЎЗХДПнинг ёш аъзоси танловнинг иккинчи туман ва шаҳар босқичларида голибликни қўлга киритди. Танловнинг учинчи — вилоят босқичида Расулбек Ҳожиёв биринчи ўринга муносиб деб топилди. Қувонарлиси, вақилимиз кўрик-танловнинг республика босқичида иккинчи ўринни қўлга киритди.

Гап аслида голибликда ҳам эмас. Муҳими, биз танлов ва турли лойиҳалар орқали ёшларни бирлаштиришимиз, уларнинг ўзига ишончини мустаҳкамлашимиз ва юқори марралар сари ундашимиз керак.

2015 йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилиниши муносабати билан жойларда «Истиқбол» ёшлар қаноти вилоят бўлими томонидан «Кексаларимиз ёшлар эътибори ва эъзозидан», «Кексаларга хурмат-эътиром кўрсатиш — менинг бурчим», «Кексаларни эъзозлашнинг юртнинг муносиб авлодларимиз» мавзуларида қатор тадбирлар ўтказилди. Мазкур тадбирлар давомида чекка ҳудудларда яшовчи кексалар хонадонларига бориб, улар ҳолидан хабар олдиқ, уй юмушларига ёрдамлашдик.

Шунингдек, депутатлар ва партия фаоллари билан бирга, касб-хунари коллежларини тамомлаётган ёшлар бандлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз. Бу йўналишда олиб борилаётган назорат-таҳлил ишларида қанотимиз вакиллари фаол иштирок этапти. Ушбу тажрибани барча туманларда кенг йўлга қўйишни режалаштирдик.

Партия фаолининг фикри:

Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятида барча даражадаги партия ташкилотлари ҳамда депутатларнинг иштирокини таъминлаш зарур, деб ўйлайман. Аҳоли мурожаатларини таҳлил қилиб, ҳудудлар учун хос бўлган масалаларни умумлаштириш, юқори партия ташкилотларига олиб чиқиш лозим. Бошланғич партия ташкилотларимиз фаолият кўрсатадиган корхоналарда эса ишчиларнинг меҳнат шароити, ижтимоий ҳимояси қандайлигини ўрганишимиз, маҳалла фуқаролар йиғинларида эҳтиёжманд оилаларнинг ижтимоий нафақа олиш ҳолатларини мониторинг қилиб боришимиз зарур. Шунда Жамоатчилик қабулхоналари, бошланғич ташкилотларимиз партиямизнинг ҳақиқий таянчига айланади.

рак пайтда қатъий позицияни кўрсатиш талаб этилади. Бунда Жамоатчилик

шиб бормоқда. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ЎЗХДП Хоразм вилоят,

ЎЗХДП Хоразм вилоят кенгаши фаолияти билан танишгач, партия ташкилоти ўз тарафдорларини кўпайтиришга, жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилаётганига гувоҳ бўлдик. Бу жараёнда, албатта, ёш аъзолар фаоллиги муҳим аҳамият касб этади. Партия фаоллари, етакчиларнинг фикрларидан кейин ЎЗХДПга аъзо бўлган айрим ёшларни суҳбатга тордик. Хўш, улар нега ЎЗХДПни танлашди?

— Бир неча марта вилоятимизда, туманларда касб-хунари коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш билан боғлиқ тадбирлар бўлиб ўтди. Уларда ЎЗХДП вилоят, туман кенгашлари фаоллари, депутатлар иштирок этиб, ёшлар бандлигини таъминлаш билан боғлиқ масалаларда фикр-мулоҳазалар билдиришди, тақлифлар айтишди, — дейди

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Хоразм вилоят кенгаши масъул ходими Жамшид Оллошқулов. — Ишга жойлаштириш касб-хунари коллежлари битириётган ёшлар олдида турган энг муҳим масалалардан бири. ЎЗХДП бу борада ташаббус кўрсатаётгани, ҳаётий тақлифларни илгари сураётгани менга маъқул бўлди. Сиёсий партия энг, аввало, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун ҳаракат қилмоғи, курашмоғи керак, деб ўйлайман.

«Истиқбол» ёшлар қаноти вилоят бўлими тақлифи билан қўллаб тадбирларда иштирок этдим. Депутатлар билан мулоқотда бўлдим. Шундан сўнг яқинда ЎЗХДПга аъзо бўлиш ҳақида қатъий қарорга келдим.

Бундан кейин ЎЗХДП дастурий мақсадлари амалга ошиши учун ҳаракат қиламан...

Махсус саҳифа материалларини ўз муҳбирларимиз — Рўзимбой ҲАСАН ва Лазиза ШЕРОВА тайёрлади.



«Шарқ тароналари» ер юзида фольклор музыкалари янграйдиган ягона ва энг машҳур фестиваль ҳисобланади.

O'ZBEKISTON OVOZI

2015-yil 10-sentabr. Payshanba
107 (32.010)-son

www.uzbekistonovozi.uz

3

ЖАҲОН МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА



«Латиш музыкаси Шарқ музыкасига айланди»

«Шарқ тароналари» X халқаро мусиқа фестивалини ёритиш мақсадида Самарқандга келган Латвия-нинг «Neatkariga Rita Avize» нашри бош муҳаррири Анита Дауксте нуфузли мусиқа анжумани ҳақида мақола эълон қилди. Уни биров қисқартирилган ҳолда газетхонларимиз эътиборига ҳавола этилди.



ШАРҚ ЭРТАКЛАРИНИ ЭСЛАТАДИГАН ФЕСТИВАЛЬ

«Шарқ тароналари» Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов туғилган Самарқанд шаҳрида ўтказилди. У кишининг раҳнамолигида икки йилда бир марта бўлиб ўтадиган фестиваль мазкур мамлакат маданий ҳаётидаги муҳим воқеага айланди. Ўзбекистонда дунё халқлари мусиқа ва кўшиқ орқали бирлашди.

Фестивалнинг очилиш маросими жуда ажойиб ўтди. Биз ўзбек миллий кўшиқларини тингладик, рақсларини томоша қилдик. Бир пайтнинг ўзига ўзбек миллий анъаналарининг гувоҳи бўлдик, қайсидир маънода ўзбек менталитети билан танишдик. Президентнинг кайфияти яхши, одамлар маза қилиб рақсга тушмоқда. Мен ҳам уларга қўшилиб хурсандчилик қилдим.

Самарқанд Шарқ архитектурасининг гавҳари. Бу ерга келган ҳар қандай одам ҳайрат кўчасига кириб қолади. Шаҳар деярли уч минг йиллик тарихга эга. Самарқандни сайр қиларканман, «Минг бир кеча» эртакларини эсладим.

Фестиваль қатнашчилари ўз санъатини кўрсатадиган Регистон майдони учта мадрасадан иборат ансамблдир. Мирзо Улуғбек, Шердор мадрасалари ҳамда Тиллақори масжид-мадрасаси 15-17 асрлар орасида қурилган. Ушбу ансамбль Ўзбекистоннинг рамзи ҳисобланади. Мадрасалардаги суратлар фақат билим орқалигина юксак марраларни забт этиш мумкинлигини англатади. Фестиваль доирасида ўтказилган матбуот анжуманида қатнашган Самарқанд шаҳар ҳокими Акбар Шукуров фестивалга тайёргарлик қилиш борасида олиб борилган кенг кўламли ишлар ҳақида батафсил гапириб берди.

Фестиваль иштирокчилари ўзбек халқининг тарихи қанчалик буюк эканлигини ўз кўзи билан кўрди, Самарқанддаги меҳмондўстликка гувоҳ бўлди. Ҳиндистондан то Босфор бўғозиғача бўлган ҳудудда қудратли давлатга асос солган Сохибқирон Амир Темурга эҳтиром кўрсатиб, шаҳарнинг қоқ марказида унга мухташам ҳайкал ўрнатилгани шаҳарга ўзгача фойда, салобат бағишлаб турибди. Чунки Самарқанд Амир Темур давлатининг пойтахти бўлган.



Latviešu tonkārtas Austrumu melodijā



ЛАТВИЯЛИКЛАР ВА ШАРҚ МАДАНИЯТИ

Тўғриси, фестивалда Латвиядан иккита гуруҳнинг қатнашиши кўтилган ҳолат бўлди. Бу йил Латвия, Россия, Хитойдан иккитадан жамоа қатнашди. «Илги» гуруҳини Латвиянинг Ўзбекистондаги элчиси Эдгарс Бондарс таклиф қилган бўлса, «Лайма музиканти» Ўзбекистоннинг Латвиядаги элчиси Афзал Ортиқчи томонидан таклиф қилинди. Таъкидлаш жоиз, иккала гуруҳ ҳам нафақат юртимизда, балки бутун Европада машҳур. Асосий масала шунда эдики, аудитория латиш мусикасини қабул қила оладими? Бизнинг гуруҳлар сахнага чиққанида одамлар олқишидан, кўшиқларга рақсга тушгандан кейин саволимизга жавоб топди.

Европада ўтадиган ҳар қандай фестивалда латвияликлар совриндорлар сафига кира олади. Бироқ Самарқанддаги анжуманда бундай бўлиши кийин эди. Гран-прини Хитойнинг «Jiangsu Women's Orchestra» аёллар гуруҳи олган бўлса, Япониянинг «Shamisen» гуруҳи биринчи, Польша ва Эстония вакиллари иккинчи, коста-рикалик санъаткор учинчи ўринни кўлга киритди.

Ўзбекистон вакилларида Қорақалпоғистоннинг «Айқулаш юлдузлари» гуруҳи ЮНЕСКОнинг махсус совринига сазовор бўлди.

Латвиялик мусиқчилар совриндорлар сафидан ўрин ололмади. Фестивалда юқори ўринларни олган хитойлик ва япониялик санъаткорларга гап бўлиши мумкин эмас. Улар бунга лойиқ эдилар. Токио университети профессори Маричи Цуге бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати кўшган баҳоларга мутлақо эътироз йўқ.

Гарчи латвияликлар совринли ўринларни кўлга кирита олмаган бўлса ҳам, аввало, бу нуфузли фестивалда қатнашганининг ўзи катта шараф. Шунингдек, ундаги иштирок орқали орттириладиган санъат билимини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Турли мамлакатлардан келган санъаткорлар билан танишиш, дўстлашиш, уларнинг кўшиқларини тинглаш, биргаликда қўйлаш — буларнинг ҳаммаси бебаҳо тажрибадир.

ЭСТОНИЯ СЕҲРИ

Латвия делегацияси учун эстониялик Сильвер Сепнинг чиқиши буюк кашфиёт бўлди. Уни хонанда дейиш қийин. Сабаби, Сеп ташриф қўюлганда

Самарқанд Шарқ архитектурасининг гавҳари. Бу ерга келган ҳар қандай одам ҳайрат кўчасига кириб қолади.

ҳам ўзини хонанда деб ёзмаган. Унинг кучли тарафи шундаки, эстониялик мусиқачи ўзининг мусиқий асбобларини яратиб, улар жўрлигида кўшиқ қўйламоқда. Сильвернинг Самарқандга олиб келган чолғу асбоби михлар ва велосипед баллонидан ясалган. Унинг ушбу мусиқий асбобларини кўтариб сахнага чиқари Регистонга йиғилган томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди. Самарқанд аҳолиси уни жўшқинлик билан олқишлаб турди.

ЎЗБЕК ШИРИНЛИКЛАРИ

Ўзбек ширинликлари ҳақида гап кетар экан қовун, тарвуз, шафтоли ва узумни алоҳида тилга олиш керак. Ўзбек меҳмондорчиликлари ширинликсиз ўтмайди. Ўзбеклар меҳмонни, албатта, ширинлик билан сийлайдилар. Шунини ишонч билан айтманки, дунё мамлакатларидан келган санъаткорлар бундай юқори даражадаги меҳмондўстлиқни илгари кўришмаган. Мисол учун, «Лайма музиканти» гуруҳи Ўзбекистонда деярли икки ҳафта бўлди. Гуруҳ етакчиси Артур Усканс ижтимоий тармоқларга суратларини жойлаштирди. Ўзбекистон ҳақидаги фикрларини эзиб қолдирди. Унинг айтишича, Ўзбекистонда вақтини жуда зўр ўтказган. Мусиқани севадиган одамлар билан ўзаро суҳбат унга завқ бағишлаган.

«Лайма музиканти» гуруҳига таржимонлик қилиш учун ажратилган Ўзбекистонлик талабанинг хайрлашиш олдидан айтган сўзлари бир умр қалбларимизда муҳрланиб қолади. «Менинг энди Латвияда ҳам дўстларим бор».

«Ўзбекистон овози» муҳбири Темур АбЗАМ тайёрлади.



Эрта турмуш қуришнинг яна бир салбий жиҳати

олимлар томонидан тадқиқ қилинди

Маълумки, эрта турмушнинг оқибати оғир бўлиши бугун ҳеч кимга сир эмас. Бу жaxon тиббиёти томонидан аниқланганига ҳам анча йиллар бўлиб кетди. Яқинда эса АҚШнинг Мичиган университети олимлари эрта турмушнинг яна бир оғир оқибати хусусида «The Daily Mail» нашрида чиқиш қилдилар.

Мақолада баён этилишича, йигит ва қизларнинг 22 ёшдан эрта турмуш қуриши йиллар ўтиб, вазн билан боғлиқ муаммони юзага келтираркан. Олимлар эрта турмуш қурган 14 минг нафар шахс ҳаёти-ни 17 йил давомида кузатиб, таҳлил қилиб, шундай хулосага келдилар. Ортиқча вазн тушлаш эрта турмуш қурганларнинг 65 фоизига қайд этилган. Бу анча юқори кўрсаткичдир. Шу боис олимлар энди семиришга сабаб бўлаётган омилларни ўрганмоқдалар.

ТОБЕЛИК

вужудга келади...

Инсонда лаззатланишга бўлган иштиёқ юқори ўринлардан бирида туради. Ҳўш, нега?

Южандаги Орегон тадқиқот институти олимлари Кайл Бергер ва Эрик Стайслар айнан шу саволга жавоб топиш учун 150 нафар ўсмир ўртасида тадқиқот-кузатув ўтказди. Олимлар 14 ёшдан 16 ёшгача бўлган, вазни ва ишлалари меъёридаги ўсмирларнинг бир қисмини дастлаб музқаймоқ билан сийлашган. Кейин уларни иккинчи гуруҳга қўшган ҳолда барчасига сутли коктейл сура-тини намойиш этган ва шу заҳоти улар мияси томография ёрдамида тадқиқ қилинди. Тадқиқот натижалари шунини кўрсатдики, унда иштирок этаётган ўсмирларнинг барчасида коктейлни ичишга кучли иштиёқ пайдо бўлган.

Шундан кейин бу кўнгиллиларга сутли коктейлни истеъмол қилиш таклиф этилди. Сўнг уларнинг мияси яна тадқиқ қилинди: коктейл ичишдан аввал музқаймоққа тўйган ўсмирлар коктейл истеъмолидан қониқиб ҳосил қилмаган. Музқаймоқ истеъмол қилмаганлар эса коктейлдан қониқиб лаззатини тўйган.

Олимлар шундай хулосага келдиларки, музқаймоқни кўп истеъмол қилиш бевосита унга тобеликни келтириб чиқараркан.

Ушбу ҳолатдан хулоса чиқариб Бергер шунини алоҳида таъкидладики, гиёҳандларда ҳам худди шундай тобелик вужудга келади. Дозани тобора кўпайтириш орқали кучлироқ лаззат олишга одатланиб қолади. Олимнинг айтишича, бу миядаги нейромедиатор дофамин даражасининг пасайиши билан боғлиқ.

БУНЁДКОРЛИК

ҚУЛАЙ ВА ЗАМОНАВИЙ

Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Шўрчи туман бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди

— Мустақиллик йилларида вилоятимизнинг туман ва шаҳарларида жамғарма-миз бўлимлари учун 12 та замонавий бино қурилди, — дейди **Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Сурхондарё вилоят бошқармаси бошлиғи Абдурашид Раҳматов**. — Ушбу янги ишоот шўрчилик 15 минг 350 нафарга яқин нуруний отахон-онахонларга сифатли хизмат кўрсатилишида муҳим аҳамият касб этади.

— Пенсиялар миқдори бир неча марта оширилди, бундан барча ёши улуг инсонлар миннатдор, — дейди **«Нуруний» жамғармаси Шўрчи туман бўлими раҳбари, ЎзХДП аъзоси Ўрол Чўтбоев**. — Жамғарма бўлими янги биноси билан танишдик. Хоналар шинам, барчаси замонавий компьютер ва зарур техникалар билан жиҳозланган. Хуллас, ҳаммаси бизга манзур бўлди.

Абдумалик ХАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ЎзХДП: МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТИ

Ўн беш йилдики, тадбиркор Исоқжон Мадрахимовнинг саяй-ҳаракати билан «Поп-нон савдо» масъулияти чекланган жамияти аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Ўтган давр ичида мазкур корхонада маҳсулот тури кўпайди, ишлаб чиқариш ҳажми кенгайиб, иш ўринлари сонини орттирди. Бизга берилган маълумотга кўра, бугунги кунда корхонада доимий ишловчилар қарийб 90 нафарга етган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, уларнинг асосий қисми касб-ҳунар коллежларини тамомлаган ёшлардир.

3-Найман сайлов округидан халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгаши депутати Исоқжон Мадрахимов ташаббуси билан яқинда фойдаланилмай ётган эски бино таъмирдан чиқарилди. Натижада «Поп-нон савдо» корхонасига қарашли яна бир савдо маркази фаолият бошлади. Туну-кун хизмат кўрсатадиган мазкур савдо марказига касб-ҳунар коллежларини тамомлаган 12 нафар йигит-қиз ишга қабул қилинди.

Халол меҳнат орқасидан обрў-эътибор қозонаётган, партия қояларини ҳаётга татбиқ этишда фаол қатнашаётган депутат билан учрашиш учун Поп туманига йўл олдик.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Поп туман кенгаши раиси Зулфия Аширова билан партия

ташқилотлари томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида суҳбатлашдик.

— Бугунги кунда партия қояларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, электротар вакиллариини ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига таклифлар бериш борасида маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳи аъзолари муносиб ўрин тутмоқда, — дейди у. — Айниқса, давра суҳбатлари, учрашувлар, мулоқотларда депутатимиз Исоқжон Мадрахимов фаол қатнашмоқда.

Шундан сўнг у бизни Санг маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежига таклиф қилди. Коллежда Исоқжон Мадрахимовнинг ёшлар билан мулоқоти устидан чиқдик.

ЁНИБ ЯШАЁТГАН ОДАМ

Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгаши депутати Исоқжон Мадрахимовнинг ибратли ишлари ҳақида

Учрашув давомида иқтидорли ўқувчилар депутатга мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, янгиланишлар, сиёсий партиялар фаолияти ҳақида ўзларини қизиқтирган саволлар билан муножжаат қилишди.

— Бу каби тадбирлар ўқувчиларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини оширишга хизмат қилади, — дейди **коллеж директори, ЎзХДП фаоли Шира Аббасова**. — Айниқса, депутатлар ташрифи ёшларни сиёсий жараёнларга, хусусан, сиёсий партиялар фаолиятига бўлган қизиқишини янада оширади. Бугун нафақат ўқувчилар, балки устоз-мураббийлар ҳам бир қатор керакли маълумотларга эга бўлишди.

Депутат мулоқот якунида коллеж кутубхонасига қатор сиёсий нашрлар, «Темур тузуқлари», «Бобурнома» ҳамда жaxon адабиётининг сара намуналаридан иборат китоблар тўпламини тақдим этди.


— Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўша мажлисида ... **фракция ва депутатлар фаолияти янада фаол ва мазмунли бўлиши, ўз сиёсий партиялари ва уларнинг электорати манфаатлари ҳамда кўрсатмаларини ҳисобга олган ҳолда йўлга қўйилиши лозим**, деган фикрни алоҳида таъкидлаган эди, — дейди депутат. — Дарҳақиқат, бу фикр ҳар бир депутат учун дастуруламал бўлиши зарур. Ҳар сафар сайловчилар, ёшлар билан учраш-

ганимда ана шу сўзлар ҳаёлимдан ўтади. Бугунги кунда маҳаллий Кенгаш депутати ваколатлари кенгайиб, зиммасидаги масъулият янада ортиди. Эндиликда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш фаровонлигига эришишда депутатлар муҳим ўрин тутати. Шу боис фаолиятимизни ана шу мезонлардан келиб чиққан ҳолда ташкил этишга ҳаракат қилаёламиз.

Депутат билан суҳбат давомида кўнгилдан шундай гаплар ўтди. Қани энди ҳамма депутатлар ҳам Исоқжон Мадрахимовдай бўлса, унга ўхшаб ёниб яшаа.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

■ ЖОРИЙ ЙИЛ 1-7 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ «ЕВРОНЬЮС» ТЕЛЕКАНАЛИДА «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ЎНИНЧИ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИГА БАҒИШЛАНГАН «САМАРҚАНД: ШАРҚ ОҲАНГЛАРИ» ДЕБ НОМЛАНГАН МАХСУС МАХСУС КЎРСАТУВ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ.



■ ГРУЗИЯНИНГ БАТУМИ ШАҲРИДА ХАЛҚАРО ТЕННИС ФЕДЕРАЦИЯСИ — ITF ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ХОТИН-ҚИЗЛАР ЎРТАСИДАГИ ТУРНИРНИ ҲАМЮРТЛАРИМИЗ НИГИНА АБДУРАИМОВА, ОҚҒУЛ ОМОНМУРОВОВА ҲАМДА САБИНА ШАРИПОВА ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАДИ.



БУГУННИНГ ГАПИ

Сентябрь оyi об-хавоси

Август ойининг сўнги кунларида ёмғир томчилигани боис, куз фасли қандай келиши кўпчиликини, айниқса, пахтакорларни ўйлантириб қўйди



Ёз фаслининг охири, яъни август ойининг сўнги ўн кунлиги оdatдагидан бироз салқинроқ келди. Бундан ташқари, ёз фаслининг охириги кунлари ва куз фаслининг биринчи ҳафтасида ҳаво ҳарорати пасайиб, бироз ёмғир ҳам ёғиб ўтди.

Сентябрь ойининг қолган кунлари об-хавоси қандай келиши ҳақида **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати марказининг** етакчи мутахассиси **Равшаной АМИРКУЛОВА**га мурожаат қилдик.

— Август ойининг сўнги ўн кунлигида республика-миз ҳудудига Россиянинг Европа қисмидан совуқ ҳаво оқими кириб келди. Бунинг оқибатида мамлакатимиз бўйлаб булутли кунлар бўлди, айрим жойларда момақалдироқ кузатилди, қисқа муддатли ёмғир ёғди. Ҳаво ҳарорати ўша кунлари кечалари 9-14 даражага, кундуз кунлари 23-28 даражага пасайди, бу — ўртача кўп йиллик қийматдан 2-4 даражага паст кўрсаткич. 1 сентябрь — Мустақиллик байрами кунини об-хаво ҳарорати 30-35 даражага кўтарилиб, 2 сентябрь кунини эса республика-мизга Россиянинг Волгабўйи ҳудудларидан яна салқин ҳаво оқими кириб келиши сабабли, мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида бироз ёмғир ёғиб ўтди. Кечалари ҳарорат 11-13 даражага, кундузи эса 23-28 даражага пасайди.

Сентябрь ойининг дастлабки ўн кунлигида қадар республика-миз ҳудудларига салқин ҳаво оқими кириб келиши давом этди. Кечалари ҳаво ҳарорати 10-15 даража, кундуз кунлари 22-27 даража илқ бўлиб турди.

Табиийки, сентябрь ойининг қолган кунларидаги об-хаво барчани бирдек қизиқтирмайди. Ўшбу ойининг аксарият кунлари об-хавоси ўртача кўп йиллик қийматга яқин бўлади. Ҳаво ҳарорати кечалари 16-18 даража, кундуз кунлари 33-35 даража, жанубда эса 38 даражага кўтарилиши кутилмоқда. Шунингдек, мамлакатимиз ҳудудига Туркманистондан илқ оқимнинг кириб келиши тўғрисида ҳаво ҳарорати кўтарилади.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Тоштемир ХУДОЙКУЛОВ ёзиб олди.

Футбол ишқибозлари миллий терма жамоамиздан фақат ғалаба кутади.

ФУТБОЛ



Ишончли ва муҳим ғалаба

2018 йили футбол бўйича Россияда бўладиган жаҳон чемпионатининг Осиё минтақаси иккинчи босқич саралаш учрашувида Ўзбекистон миллий терма жамоаси Манилада Филиппин терма жамоасини йирик — 5:1 ҳисобида мағлубиятга учратди

Мусобақанинг «Н» гуруҳида иштирок этаётган мамлакатимиз терма жамоаси илк турда сафарда КХДР вакилларига имкониятни бой бериб, кўпчиликини ажаблантирганди. Шундан сўнг Ўзбекистон футбол федерацияси терма жамоа мурраббийлар штабида бир қатор ўзгаришларни амалга оширди.

Ҳамюртларимиз 3 сентябрь кунини иккинчи тур баҳслари доирасида Тошкентда Яман футболчилари билан куч синашди. Гарчи Александр Гейнрих киритган ягона гол терма жамоамиз ғалабасини таъминлаган бўлса-да, аксарият мухлис-лар режани тўлиқ бажардик. Ҳақли равишда ғалаба кўлга киритилди. Тезкор гол йиғитларга руҳий устунлик тақдим этди. Бу — менинг терма жамоадаги иккинчи расмий учрашувим. Хали қиладиган ишларимиз жуда кўп. Ҳозир янги

ўйин услубини шакллантириш устида бош қотиряпмиз. Ишончли, ўйиндан ўйинга жамоамиз янада кучайиб боради.

Гуруҳдаги иккинчи учрашувда Яман футболчилари Баҳрайн терма жамоасига 0:4 ҳисобида ютқазиб қўйди.

«Н» гуруҳидаги вазият

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	Очко
1. КХДР	3	3	0	0	8-2	9
2. Ўзбекистон	3	2	0	1	8-5	6
3. Филиппин	3	2	0	1	5-6	6
4. Баҳрайн	3	1	0	2	5-3	3
5. Яман	4	0	0	4	0-10	0

Тақвимга кўра, навбатдаги тур учрашувлари 8 октябрь кунини бўлиб ўтади. Шу кунини Ўзбекистон терма жамоаси Баҳрайнга сафар қилса, КХДР футболчилари филиппинликлар билан куч синашади.

Эслаб ўтамиз, мусобақа низомига кўра, Осиё минтақаси иккинчи босқич саралаш учрашувлари ўтаётган саккизта гуруҳида ва ўз гуруҳларида энг яхши кўрсаткич қайд этган тўрт терма жамоа кейинги босқичга йўлланма олади.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАЪЛИМ

Янги ўқув йили янги бинода

Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлоднинг баркамол вояга етиши, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаши, ўз истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариши учун шароит яратиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

30-МАКТАВ



Навоий вилоятининг Кармана туманидаги 30-умумтаълим мактаби янги биноси очилиши муносабати билан ўтказилган тадбирда бу алоҳида таъкидланди.

Вилоятда янги ўқув йили арафасида таълим муассасалари тайёр холга келтирилиб, замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланди. Хусусан, 13 умумтаълим мактаби реконструкция қилиниб, иккитаси капитал таъмирланди. 2 таълим масканининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

«Темур Малик» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан 3 миллиард 178 миллион сўм маблағ эвазига барпо этилган 420 ўринли мактабда ўқувчиларнинг замонавий таълим-

тарбия олиши учун барча шароит яратилган. Фанлар бўйича ўқув-лаборатория ва синф хоналари, спорт зали зарур жиҳозлар билан таъминланди.

— Биринчи синфга қадам қўйган фарзандим шундай кўркам ва замонавий мактабда тахсил олишидан жуда хурсандман, — дейди Зебинисо Очилова. — Кенг ва ёруқ синф хоналари ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. Ёшларимиз келажаги йўлида яратилаётган бундай шароит ва имкониятлар учун биз, ота-оналар давлатимиз раҳбаридан миннатдоримиз.

Н.РАҲИМОВ,
ЎЗА мухбири.

РЕКЛАМА

ООО «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



АВТОКРАНЫ ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ — 16 т, 25 т, 32 т, 50 т.



САМОСВАЛЫ на шасси «ISUZU» ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ — 4,5 т или 9 т.



АВТОВЫШКИ на шасси «ISUZU» — до 14, 18 и 22 метров.

КРАНМАНИПУЛЯТОРЫ на шасси «ISUZU» или «MAN», грузоподъемностью — 3 т, 5 т или 7 тонн

Телефон:
(0-371) 262-97-78.
Факс: (0-371) 262-23-61,
(+99890) 187-52-05,
(+99890) 315-99-17.
www.avtokran.uz
Email: cst2008@mail.ru
Товар сертифицирован.

MUASSIS:

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 959
11028
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 00.25

Sotuvda kelishilgan narxda



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

ТАДБИР

«Ўзбекино» Миллий агентлиги ташаббуси билан 7-10 сентябрь кунлари юртимизда Хитой киноси кунлари ўтказилмоқда. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда агентлик раҳбарияти, Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари ҳамда Хитой делегацияси аъзолари, кинорежиссёрлар, актёрлар, санъат намояндalari, санъатшунослар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистонда Хитой киноси кунлари



— Хитой киноси кунлари ҳафталигида олтинта фильм билан иштирок этаётиз, — дейди **Хитой Халқ Республикаси Матбуот, нашриёт, кинематография, радио эшиттириш ва телевидение ишлари бўйича давлат бoshқармаси вакили Луань Чжиго**. — Мухлислар «Тяньшань» кинофабрикаси томонидан суратга олинган «Чин севги» (Genuine Love) бадий фильми режиссёри Шерзод Ёкуб ҳамда фильмда бош роллардан бирини ижро этган актриса Кундуз Зайтаян билан бўлган учрашувда ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Ҳафталик доирасида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳамда «Ўзбекино» Миллий агентлигида Хитой делегациясининг ижодий учрашувлари бўлиб ўтди.

— Ҳозир ҳар икки мамлакат ўртасида турли йўналишлар бўйича ўзаро ҳамкорликлар ривожланмоқда, — дейди **Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси вакили Цзо Яньхуэй**. — Ўзбекистонда илк марта Хитой киноси ҳафталиги ўтказилмоқда. Келажақда Хитойда ҳам ўзбек киноси кунларини ташкил этиш ниятидамы.

— «Чин севги» фильмининг кўриб, ўзбек ва хитой халқлари ўртасидаги ўзига хос ўхшашликни яна бир бор ҳис қилдим, — дейди **Тошкент кимё технологиялари институти талабаси Хумоюн Ўктамов**. — Бош қаҳрамон 19 болани асраб олган. Улар олти миллатга мансуб. Тарихий китобларда ўқиганман, ўзбек халқи ҳам Иккинчи жаҳон уруши йилларида эвакуация қилинган минглаб болаларни ўз бағрига олган. Бир бурда нонини бирга баҳам кўрган. «Чин севги» киносида ҳам мана шу гоа ўз ифодасини топган...

Хитой киноси кунлари юртимизда том маънода кино, санъат, маданият, маънавият байрамига айланиб кетди.

Шаҳбоз САИДОВ

ОБ-ХАВО	10-11.09 — 2015
Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
+14 / +19	+30 / +35
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
+15 / +20	+30 / +37
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	
+13 / +18	+30 / +35
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	
+15 / +20	+33 / +38
Андижон, Наманган, Ферғана вилоятлари	
+13 / +18	+30 / +35
Тошкент шаҳри	
+16 / +18	+33 / +35

